



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИГА

Хурматли темир йўл соҳаси ходимлари! Муҳтарам фахрийлар!
Аввало, сиз, азизларни — моҳир ишчи ва хизматчилар, қурувчи ва муҳандислар, машинист ва вагон кузатувчиларини, шу тизимда сидқидилдан меҳнат қилаётган юрдошларимизни **Темир йўл транспорти ходимлари куни** билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Жондан азиз Ватанимиз мустақиллигининг шонли 31 йиллик байрами арафасида нишонланаётган ушбу қувончли айёмда сизларнинг масъулиятли ва шарафли фаолиятингиз ҳақида сўз юритар эканмиз, истиқлол даврида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳам катта тараққиёт йўлини босиб ўтганини мамнуният билан таъкидлаймиз.

Мустақиллик йилларида 2 минг 400 километрдан ортқ янги темир йўллар барпо этилган, мавжуд темир йўлларнинг 3 минг километрдан зиёди электрлаштирилган, 1 минг 100 километр қисми қайта тикланган соҳада тарихан қисқа даврда улкан ишлар амалга оширилганидан далолат беради.

Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан мамлакатимизда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг талаб ва эҳтиёжларини таъминлайдиган замонавий темир йўл тизими барпо этилиб, кечаю кундуз самарали фаолият кўрсатиб келаётгани албатта эътиборлидир.

Муҳтарам соҳа ходимлари!

Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улкан ва эзгу мақсадни ўз олдимизга қўйган эканмиз, замонавий тараққиёт омили бўлган темир йўл соҳаси ривожига алоҳида аҳамият беришимиз табиийдир.

Шу мақсадда кейинги йилларда шу борада амалга ошираётган кенг қўламли ишларимиз туфайли Ўзбекистоннинг транзит салоҳияти ва нуфузи ортиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, юртимизда темир йўл тармоқларининг кенгайиб бораётгани барча ҳудудларимизни ўзаро мутаносиб ривожлантириш, бой минерал хомашё ресурсларини комплекс ўзлаштиришда янги-янги имкониятлар очмоқда. Шу маънода, темир йўллар — мамлакатнинг ҳаётбахш қон томирларидир, деган ибора айни ҳақиқатдир.

Албатта, халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишда темир йўл энг қўлай ва хавфсиз транспорт тури эканини барчамиз яхши биламиз. Айниқса, “**Инсон қадрини учун**” деган эзгу тамойил барча ислохотларимиз марказига қўйилаётган бугунги кунда ушбу транспортнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шунинг учун темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш ҳажмини ошириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хизматлар сифатини яхшилаш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Хусусан, локомотивлар, юк ва йўловчи вагонлари парки модернизация қилиниб, янги вокзаллар, муҳандислик иншоотлари барпо этилмоқда, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим ва тажрибасини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Юнусобод, Сирғали ер ости ва ер усти метро йўналишлари фойдаланишга топширилгани, қадимий Хива шаҳрига темир йўл тармоғи тортилиб, замонавий вокзал барпо этилгани ва бошқа йирик лойиҳаларни қайд этиш ўринлидир.

Бу ишларнинг узвий давоми сифатида Тошкент шаҳрида ер усти метросининг ҳалқа йўлини қуриш, Бухоро — Мискин темир йўл тармоғини электрлаштириш, Шовот — Қораўзақ янги темир йўл линияси ҳамда Амурдёр узра темир

ва автомобиль йўллари кўпригини барпо этиш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда.

Айни пайтда ҳозирги шиддатли тараққиёт даврида соҳани янада ривожлантириш бўйича олдимизда ўта муҳим ва долзарб вазифалар турганини, ўйлайманки, сизлар яхши тушунасиз. Хусусан, Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси талаблари асосида мамлакатимиз темир йўл тизимини модернизация қилиш, соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб этган ҳолда, йирик ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, янги фикрлайдиган, халқимиз ва Ватанимизга садоқат билан хизмат қиладиган замонавий кадрларни тайёрлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ишончим комил, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг кўп миллатли ва аҳил жамоаси ўзининг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти билан ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиб, мамлакатимиз темир йўл соҳаси ривожини албатта янги босқичга олиб чиқади.

Қадрили ватандошлар!

Бугун — мана шу қутлуғ айёмда соҳа ходимлари меҳнатидан баҳраманд бўлиб келаётган минг-минглаб юрдошларимизнинг эзгу тилакларини ифода этган ҳолда, сиз, азизларга жонажон Ватанимиз рағнаки ва фаровонлиги йўлидаги самарали меҳнатингиз учун ўз номидан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан табриқлаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, эзгу ишларингизда ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ШАХМАТНИ ЯНАДА ОММАЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

30 июнь — Ўзбекистон Республикаси ёшлари куни муносабати билан бўлиб ўтган учрашувда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал шахматга жалб қилиш, нуфузли халқаро шахмат мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаш, жаҳон стандартларига мос келадиган шахмат инфратузилмасини кенгайтириш, шунингдек, Шахматни 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастурини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, “Тўдакўл” дам олиш базаси ҳудудида юридик шахс мақомига эга бўлган мактабдан ташқари давлат спорт-таълим муассасаси ҳисобланган **Халқаро шахмат мактаби** ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Халқаро шахмат мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:
зарур шахмат анжомлари ва усқуналари билан жиҳозланган, замонавий халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган моддий-техник ҳамда ўқув-машғулот базаларини яратиш ва турли даражадаги халқаро ва минтақавий мусобақалар — Шахмат олимпиадаси ва Осиё ўйинлари, Жаҳон ва Осиё чемпионатлари, универсиадалар ҳамда бошқа мусобақаларда Ўзбекистоннинг шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган халқаро даражадаги шахматчиларни тайёрлаш;
халқаро даражадаги шахматчиларни тайёрлаш учун шахмат бўйича юқори малакали

мутахассис-тренерлар, психологлар ва услубчиларни, шу жумладан, жаҳоннинг машҳур халқаро гроссмейстерларини кенг жалб этиш орқали **тренерлар таркибини мустаҳкамлаш**;

шахматчиларнинг ўқув-машғулот жараёнини халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўқув-машқ жараёнларига энг янги илмий-услубий технологияларни жорий этиш йўли билан шахматчиларни назарий ва техник-тактик жиҳатдан тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб бориш;

шахмат бўйича терма жамоалар ва уларнинг захиралари иштирокида **ўқув-машқ йигинлари, республика ва минтақавий мусобақаларни ташкил этиш** ҳамда мунтазам равишда ўтказиб бориш, тренерлар ҳамда шахматчиларнинг касб маҳорати даражасини ошириш учун тажриба алмашиш бўйича хорижий шахмат мактаблари, клублари ва марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

Ўзбекистонда шахматни ривожлантиришни халқаро талаблар ва стандартларга мослаштириш, **ўғил болалар ва қизларни шахматга жалб қилиш** ва уларнинг ушбу спорт турига қизиқишини кучайтириш, шахматчиларнинг **профессионал маҳоратини** доимий равишда ошириб бориш.

3. Қуйидагилар Халқаро шахмат мактаби фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

▶ Давоми 2-бетда

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Бунёдкорлик манзиллари — замонавий хизмат кафолати



Темир йўл тизими мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири, десак муболаға бўлмайди. Президентимиз ҳам темирйўлчилар меҳнатини қадрлаб, 2017 йил 2 август куни “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида”ги Фармонни имзолаган эди. Унга кўра, ҳар йили август ойининг биринчи яқшанбаси темир йўл транспорти ходимлари куни сифатида расман байрам қилинади.

▶ Давоми 4-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ИЖРОСИ — ҲАР БИРИМИЗДАН ЮКСАК МАСЪУЛИЯТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Бугунги кунда ҳудудларни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган ҳар бир ҳужжатнинг ижроси шу ҳудуд тараққиёти, шаҳар ва туманлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашда муҳим ўрин тутаяди.

Қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари моҳияти ҳар бир хонадонгача кириб боришини таъминлаш ва ижросини ҳар бир маҳаллада ташкил этиш ижро ҳокимияти

органининг қуйи бўғини сифатида биз, ҳокимларнинг асосий вазифамиз ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган

секторлар раҳбарлари фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишим керак, албатта.

Ҳужжатлар ижросини таъминлаш, айниқса, юртимизнинг сайёҳлик марказларидан бири бўлган Хива шаҳрида алоҳида аҳамият касб этади.

▶ Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси бўладиган янгиланаётган Конституциямизга таяниб, Янги Ўзбекистонни албатта биргаликда барпо этамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

юрт манфаати йўлида бирлашиш, юксалиш ва фаровонлик сари етакловчи эзгу қадрият

Бугун юртимиз бўйлаб улкан тарихий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий аҳамиятга молик конституциявий ислохотлар жараёнининг бевосита шохиди бўлиб турибмиз. Эътироф этиш керак, мазкур паллада халқимиздаги конституциявий ватанпарварликнинг ёрқин ифодаси намоён бўлмоқда.

▶ Давоми 3-бетда



ҲАЖ — 2022

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲОЖИЛАРГА ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТГА БУТУН ДУНЁ МУСУЛМОНЛАРИ ҲАВАС ҚИЛДИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.
Ҳаж мавсуми — улғу амаллар адо этиладиган, олий мақсадлар, эзгу ниётлар ушалиши сўраладиган, дуотилақлар ижобат бўладиган палла. Шу бос, ҳар бир мўмин-мусулмон киши умри давомида бир марта бўлса-да, Каъбатуллоҳни тавоф қилишни, Арафотда туришни, Сафо ва Марва тепалиқларида сайъ қилишни орзу этади. Зотан, ҳаж инсон ҳаётини яхшиликлар сари тубдан ўзгартирадиган, бир сўз билан айтганда, жаннат мукофоти ваъда қилинган буюк ибодатдир.



▶ Давоми 6-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИШАХМАТНИ ЯНАДА ОММАЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Давлат бюджети маблағлари; фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан ва мактабнинг уставидаги вазифаларга мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

юримлик ва жисмоний шахсларнинг ҳоимлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлигининг ҳар йили ўтказиб келинаётган **Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун** халқаро шахмат турнирининг **финал босқичини 2023 йилдан бошлаб Халқаро шахмат мактабида** ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги "Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4954-сон қароридан белгиланган турнирлар ва мусобақалар билан бир қаторда қўшимча равишда қуйидаги мусобақалар **2023 йилдан бошлаб ҳар йили тизимли равишда ўтказилади:**

Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда ёшлар ўртасида барча ҳудудларда **"Рокировка"** турнири;

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда кекса авлод вакиллари ўртасида **"Нурунийлар" кубоги** учун;

Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахматчилар ўртасида **"Чексиз имкон" турнири;**

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси билан биргаликда Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадида жамғармаси маблағлари ҳисобидан 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган 50 000 АҚШ доллари миқдорига мукофот фондида эга **"Women's Chess Championship" халқаро турнири;**

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар шахматчилари ўртасида анъанавий **"Uzbekistan Chess Open" халқаро турнири;**

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон шахмат федерацияси (А.Саъдуллаев), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев), Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков), Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (З.Маҳкамова), Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Турдиев), Ташқи ишлар вазирлиги (В.Норов) билан биргаликда мазкур бандда кўрсатилган:

мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича **чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;**

тегишли мусобақалар 2023 йил 1 январдан бошлаб спорт ва оммавий жисмоний тарбия

тадбирларининг **республика календарь режасига киритилишини** таъминласин;

мусобақаларни ўтказиш жараёнини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа коммуникация манбаларида **кенг ёритсин.**

Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Б.Ибрагимов) мазкур бандда кўрсатилган мусобақаларни **туристик маршрутлар объектлари** рўйхатида киритсин, уларга хорижий ва маҳаллий туристларни **жалб этиш** чораларини кўрсин.

6. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Президент таълим муассасалари агентлиги (Х.Умарова), Ўзбекистон шахмат федерацияси, Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасалари ҳамда ҳудудлардаги Ёшлар марказларида **шахмат тугараклари** фаолиятини йўлга қўйсин.

7. Ўзбекистон шахмат федерацияси, Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов), Навоий вилоят ҳокимлиги (Н.Турсунов), "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ (Қ.Санакулов): ҳар йили Халқаро шахмат мактабида жажоннинг машур халқаро гроемстейтерлари иштирокида ёш шахматчилар учун тренинг ва маҳорат дарсларини ўз ичига олган **мавсумий оромгоҳлар ташкил этиш;**

"Тудакўл" брендини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш орқали Халқаро шахмат мактаби фаолиятини оммалаштириш чораларини кўрсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда Спортни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан креатив кўргазмалар услублардан фойдаланган ҳолда жамоат жойлари ва истироҳат боғларида **шахмат майдончаларини** ташкил қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси шахматчилари ва уларнинг **тренерларига бериладиган бир марталик пул мукофотларининг миқдорлари** иловага мувофиқ тасдиқласин.

Белгилансинки, ушбу иловада назарда тутилган рағбатлантириш харажатлари Давлат бюджетидан спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасига мазкур мақсадлар учун йўналтириладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Халқаро шахмат мактаби фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ зарур маблағларни 2023 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутиш.

11. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов), Ўзбекистон шахмат федерацияси (А.Саъдуллаев):

Халқаро шахмат мактабини замонавий педагогик технологияларни эгаллаган малакали педагог кадрлар, **тренерлар** ва бошқа мута-

хассислар билан босқичма-босқич тўлдириш чораларини кўрсин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Халқаро шахмат мактабининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг **штат жадалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.**

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **"Ёшлар" телеканали** ҳамда тегишли ҳудудий телеканалларда шахмат мусобақаларини кенг ёритиш ва тарғиб қилиш ишларини мунтазам ташкил этиб босин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавабгар этиб Ёшлар ишлари агентлиги директори, Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси **А.З.Саъдуллаев** ва спортни ривожлантириш вазири **А.И.Икрамов** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 5 август

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ИЖРОСИ —
ҲАР БИРИМИЗДАН ЮКСАК МАСЪУЛИЯТНИ ТАЛАБ ЭТАДИТемур ДАВЛЕТОВ,
Хива шаҳри ҳокими

Бошланиши 1-бетда

Йилига 2 миллион, шу жумладан, 400 мингдан ортиқ хорижий сайёҳни қабул қилаётган Хива шаҳрида яратилган шароит ва имкониятлар, шак-шубҳасиз, қабул қилинаётган ҳужжатлар ижроси қай даражада таъминланаётгани билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада шаҳар ҳокимлигидан ҳужжатлар ижросини тўғри ташкил этиб, аҳоли турмуш шароитини ҳамда сайёҳлик инфратузилмасини янада яхшилаш борасидаги муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечими юзасидан таклифларни вилоят ҳокимлиги, вазирликлар ва идоралар, шунингдек, ҳукуматга киритиб бориш талаб этилади.

Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларидан шахримизни кўришга иштиёқманд сайёҳлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бунда кейинги йилларда Хива шаҳрида ўтказилаётган халқаро тадбирларнинг ҳам ўрни катта бўлмоқда.

Хусусан, "Сайёҳ — 2021", "Марказий Осиё давлатлари дунё цивилизацияси чорраҳасида" халқаро форумлари, ТУРКСОЙ халқаро ташкилотининг "Хива — турк дунёсининг маданий пойтахти" халқаро маданий тадбири, "Лазги" халқаро рақс фестивали, "Пахлавон Маҳмуд — баҳодирлар ўйини" халқаро турнири ўтказиб келинаётгани шахримизнинг сайёҳлик жозибдорлигини оширишда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, жорий йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида шахримизга Туркия Республикаси Президентини Режеп Таййиб Эрдоган, Тожикистон Республикаси Президентини Эмомали Раҳмон ҳамда Озарбайжон Республикаси Президентини Илҳом Алиевнинг ташифлари ташкил этилди.

Шулар сабаб қадимий ва ҳамisha навиқрон шахримизнинг халқаро нуфузи ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. Яқинда Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Боку шаҳрида бўлиб ўтган 11-сессиясида **Хива шаҳри 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти** деб эълон қилинди.

Қисқача айтганда, шахримиз юксак даражадаги халқаро тадбирлар ўтказиш жойига айланиб бормоқда.

Ҳар бир халқаро тадбир юқори даражада тайёргарликни талаб этади. Бу жараёнда шаҳарнинг меъморий қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўчаларнинг таъмирландириш

кенг қўламли ишлар амалга оширилади.

Бунинг учун, биринчи навбатда, шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида бажарилиши зарур бўлган комплекс чора-тадбирлар белгилаб олинади. Ҳар бир тадбирнинг амалга ошириш механизми, мuddати, молиявий манбаси, ижроси учун масъуллар аниқ кўрсатилиб, тасдиқланади ва албатта, ижроси доимий назорат қилиб борилади.

Бу жараёнда республика даражасида ҳал қилинадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари қабул қилиниб, ижроси тизимли равишда ташкил этиб келинмоқда.

Хива шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туристик салоҳиятини юксалтириш, йиллар

“ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2022 ЙИЛ 23 МАРТДАГИ “ХИВА ШАҲРИ КЎЧАЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ БИЛАН ХИВА ШАҲРИ КЎЧАЛАРИНИ ҚУРИШ ВА ТАЪМИРЛАШ, САҚЛАШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН “ХИВА ШАҲРИ МИНТАҚАВИЙ ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ” УНИТАР ҚОРХОНАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ ҲАМДА ШАҲАРНИНГ 78 КМ. УЗУНЛИҚДАГИ 50 ТА КЎЧАСИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНДИ.

давомда йиғилиб қолган муаммоларни тез фурсатда бартараф қилиш борасида кейинги йилларда **Ўзбекистон Президентининг 3 та, Вазирлар Маҳкамасининг 7 та қарори** қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар доирасида **1,5 триллион сўмдан ортиқ** маблағ ҳисобига бир қатор тадбирлар амалга оширилиши белгиланган.

Мазкур қарорлар билан белгиланган **ҳар бир тадбирга алоҳида масъул шахсларни бириктирган ҳолда кундалик сўров ташкил этилган**. Хусусан, қарорлар ижроси доирасида **Урганч — Хива темир йўли ва алоҳида да темир йўл вокзали қурилиши, вокзалолди ҳудудда хиббон, истироҳат боғи ташкил этилгани, 100 га яқин янги меҳмонхона ишга туширилгани** алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Шаҳар аҳолисининг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида **41 км. ичимлик ва оқова сув тармоғи** янгидан қурилди, **50 км. саломатлик йўлакчаси** фойдаланишга топширилди, **800 дан ортиқ** симёғоч темир-бетон устунларга алмаштирилди, **24 та** янги трансформатор ўрнатилди, **22 та** газ тақсимлаш ускунаси, **80 км. газ қувури** таъмирланди



кетган кўлаб қадимий ёдгорликлар қайта таъмирланиб, сайёҳлик йўналишига киритилди. Масалан, **Нуруллабой ёдгорлик мажмуаси, Амир Тўра мадрасаси** қайтадан таъмирланганидан кейин сайёҳлар энг кўп келадиган туризм объектига айланди.

Буларнинг барчаси, **аввало, халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишга, қолаверса, шахримизга дунёнинг чор атрофидан келаётган сайёҳларга, воҳамизнинг бошқа меҳмонларига, ички туризм дастури доирасида сайёҳат қилаётган юртдошларимизга янада кўпроқ қўлайлик яратишга хизмат қилмоқда.** Чунки Хивага келган ҳар бир хорижий сайёҳ бу ерда яратилган шароитга қараб бутун юртимиздаги шароит бўйича хулосага келиши мумкин.

Ушбу ўзгаришлар асосида **мухтакам ижро интизоми, қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, шунингдек, ҳукуматимиз қарорлари ва фармойишлари** ижросини ўз вақтида ва сифатида таъминлаш ётибди.

Айниқса, **"Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"** Давлат дастурининг муваффақиятли ижроси халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, маҳаллаларда янги иш ўринлари яратиш орқали аҳолининг кам таъминланган қатламларини кучли ижтимоий ҳимоялаш имконини бермоқда. Натижада ҳар бир хивалик эртанги кунга ишонч билан қўқиб, она юртимиз тараққиёти йўлида фидоқорлик билан меҳнат қилмоқда.

Қонунлар, Олий Мажлис палаталари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг ҳар бир ҳужжати ижросини самарали ташкил этиш кундалик фаолиятимиз асосини ташкил этмоқда. Секторлар,

“ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИВА ШАҲРИ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИГА 2022 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИ ДАВОМИДА ТУШГАН 182 ТА МУРОЖААТНИНГ 150 ТАСИ ЁКИ ТЎҒСОН ФОИЗГА ЯҚИНИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ.

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари бу борада ўз масъулиятларини чуқур ҳис қилмоқдалар. Зеро, бугунги фаолиятимизнинг асосий мазмуни **халқни рози қилиш, унинг ҳар бир адолатли талаби ижросини ўз вақтида таъминлаш**дир. Бу эса маҳаллий ҳокимият органлари ишни қанчалик самарали ташкил этганини акс эттирувчи асосий кўрсаткичдир.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Хива шаҳри ҳокимлигига тушган **220 дан ортиқ қонунчилик ҳужжати** ижросини ташкил этиш мақсадида **шаҳар ҳокимининг 190 та қарори** ва **Халқ депутатлари шаҳар кенгашининг 28 та қарори қабул қилинди.**

Назоратнинг самарали тизими сифатида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлимлари томонидан ижронини ташкил этиш ҳолати мақсадли ўрганиб боришмоқда. Жорий йилнинг ўзида **14 та ҳудудий ташкилотда 32 та қонунчилик ҳужжати** ижроси юзасидан мақсадли ўрганишлар ўтказилиб, камчиликларга йўл қўйган **22 нафар масъул ходимга нисбатан интизомий чоралар** кўрилди.

Шунингдек, **Халқ депутатлари Хива шаҳри кенгашининг ҳар бир сессиясида қарорлар ижроси қандай бажарилаётгани бўйича масъул раҳбарлар хисоботлари эшитиб боришмоқда.** Чунки ҳужжатлар ижроси ўз вақтида таъминланса, режалаштирилган барча вазифалар бажарилиб, муаммоларнинг ҳам олди олинади.

Фаолиятимизнинг яна бир муҳим йўналиши **қонун ҳужжатлари моҳиятини халқимизга тушунириб беришдан иборатдир.** Жорий йилнинг ўзида фармонлар ва қарорлар моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида шаҳардаги **21 та маҳаллада 100 дан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбири ўтказилди.** Бу борада оммавий ахборот воситалари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Биз тасдиқланган режа асосида жойларга чиқиб аҳоли билан учрашамиз. Уларнинг муаммоларини эшитами. Аҳоли билан учрашиб, таклиф ва муурожаатларини ўрганишда масалаларни одиллик билан тезкор ва сифатли ҳал этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг

Хива шаҳри Халқ қабулхонасига 2022 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида тушган **182 та муурожаатнинг 150 таси ёки тўқсон фоизга яқини қаноатлантирилди.**

Биз асосий эътиборимизни **фуқароларимиз бизга муурожаат қилиб келишини кутмасдан, ўзимиз жойига борган ҳолда сайёр қабуллар ўтказишга қаратишимиз керак.**

Жорий йилнинг ўзида шаҳсан ўзим шаҳардаги барча маҳаллаларда бўлиб, **30 дан ортиқ сайёр қабул** ўтказдим, маҳалладаги **ҳоким ёрдამчиси, ёшлар вакили, хотин-қизлар фаоли** билан учрашиб, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш юзасидан таклифларини эшитдим. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ушбу янги институтлар биз ҳокимларнинг иштини сезиларли даражада енгиллаштирганига гувоҳ бўлдим.

Жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар, ҳоким ёрдამчилари, ёшлар вакиллари, хотин-қизлар фаоллари **"хонадонбай"** ишлари натижасида шаҳар ҳокимлигига тушаётган муурожаатлар сони ўтган йилдагига нисбатан **22 фоиз қисқарди.** Аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончи ортди, ишсизлик сезиларли даражада камайишига эришилди. **800 дан зиёд хотин-қизга зарур ёрдამлар берилди,** маҳаллалардаги ёшлар етакчилари тавсияларига асосан, **192 нафар ёшга 428 млн. сўм миқдорда кўмак** кўрсатилди.

Буларнинг барчаси юртимиздаги **ислохотларнинг жойлардаги аксини ифода этмоқда, десам ҳеч мууболага қилмаган бўламан.**

Шундай экан, бугунги кунда ҳар бир раҳбардан зиммасидаги юксак масъулиятни чуқур ҳис қилиш, халқимиз олдидаги масъулиятни чуқур англаб, унинг ишончини оқлаш учун юртининг чинакам фидоқори бўлиш талаб этилади.

Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, барча жабҳаларда янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиш, юртимиз раванкига муносиб ҳисса қўшиш, билими, тажрибаси ва бор иқтидорини ҳамда мавжуд ақлий, жисмоний ва руҳий салоҳиятини мамлакатимизни янада тараққий топтиришга, унинг янада гуллаб-яшнашига бахшида этиш хиваликларнинг қалб широгига айланган.

ТАРАҚИЁТ ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

Юрт манфаати йўлида бирлашиш, юксалиш ва фаровонлик сари етакловчи эзгу қадрият



Фозилжон ОТАХОНОВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори,
юридик фанлар доктори, профессор

“ЭЪТИРОФ ЭТИШ ЎРИНЛИКИ, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ҲАМ ҲАР БИР ИНСОННИНГ ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ, ФАРОВОНЛИГИ ВА МАНФААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛАДИГАН, ИНСОНПАРВАР, ДЕМОКРАТИК, ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОЙ ВА ДУНЁВИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТИШ ҲАМДА МУСТАҲКАМЛАШ, ОЧИҚ, АДОЛАТЛИ ВА БАРКАМОЛ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ, ДЕМОКРАТИЯ ҒОЯЛАРИГА, ИЖТИМОЙ АДОЛАТ, ЭРКИНЛИК ВА ТЕНГЛИК КАБИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ЎЗ СОДИҚЛИГИНИ ИФОДА ЭТИШДАН ИБОРАТДИР.

Бошланиши 1-бетда

ВАТАНПАРВАРЛИК НИМА? КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК-ЧИ?

Ватанпарварлик — ватанга муҳаббат ва садоқат, ватан учун хизмат қилиш ва бу йўлда бутун умрини ва салоҳиятини бахшида этиш, керак бўлса, ўз жонини ҳам фидо қилиш демакдир. Ватанпарварлик барча инсонлар, миллатлар, халқлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик инсонларнинг ўз ватани тақдирини боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуд дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида тақомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва бугуни билан фахрлишида, келажаги учун қайғуриш ва дахлдорликда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади.

Конституциявий ватанпарварлик эса ватанпарварликнинг ўзига хос туридир. Бу ибора илк бор XX асрнинг 40-йиллари охирида Германияда қўлланилган. Немис сиёсатшуносу Файласуфи ва сиёсий ғоялар тарихчиси Я.В.Мюллер ҳозирги вақтда конституциявий ватанпарварликнинг ягона фалсафий-ҳуқуқий таърифи йўқлигини, том маънода у фуқаролар ишончи ва давлат ҳокимияти манбаи бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди. Зотан, “конституциявий ватанпарварлик” ибораси мазмун-моҳиятига кўра, демократик Конституциянинг нормалари, қадриятлари ва тартиб-қоидаларига асосланиши керак.

Сиёсатшунос Д.Штернбергер фикрига кўра, давлат қачонки ўз фуқароларининг Конституцияда кафолатланган эркинликларини ҳамда мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этишга доир ҳуқуқларини ҳурмат қилса ва амалда таъминласагина муайян одамлар жамоаси сифатида тириқдир. Нафақат умумий тарихий ўтмиш туйғули, балки шу ҳолатда ҳам ўзига хослик ҳисси ривожланиб боради. Европа аъённаларига кўра, ватанпарварлик ҳар доим давлат тузилиши билан боғлиқ бўлган. Шу тарихида XX асрнинг 70-йилларида жамоатчилик эътиборини ушбу атамга жалб қилиш билан Германия Федератив Республикасида Асосий қонуннинг юксалиб бораётган аҳамиятини акс эттирган.

Бугунги кунда Германияда Асосий қонун жуда амаллашган. Мулоҳазамизга 2019 йилда Infragest димар жамоатчилик фикрини ўрганиш институти ўтказган сўров натижалари ҳам тасдиқлайди. Жумладан, респондентларнинг 88 фоизи Асосий қонунни яхши (58 фоизи) ёки жуда яхши (30 фоизи) деб қайд этган. Бу фикрга аҳолининг деярли барча қатламлари қўшилган. Аксарият кишилар учун Асосий қонун, энг аввало, инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сўнгра тенглик ва тенг ҳуқуқлилик, умумий фаолият эркинлиги, матбуот ва сўз эркинлиги демакдир.

Шундай қилиб, конституциявий ватанпарварлик Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқларига ва эркинликларига, умуминсоний қадриятларга асосланиб ҳамда муайян давлатдаги инсонларни жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бирлаштирадиган фалсафий-ҳуқуқий тушунчадир.

Эътироф этиш ўринлики, Янги Ўзбекистонда конституциявий ислохотларнинг асосий мақсади ҳам ҳар бир инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, фаровонлиги ва манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қиладиган, инсонпарвар,

демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни барпо этиш ҳамда мустаҳкамлаш, очик, адолатли ва баркамол фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, демократия ғояларига, ижтимоий адолат, эркинлик ва тенглик каби олий қадриятларга ўз содиқлигини ифода этишдан иборатдир.

Шунинг учун ҳам конституциявий ватанпарварлик халқимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўлган чексиз ҳурмати, эътиқоди ва садоқати конституциявий ислохотлар жараёнини қуйидаги босқичларда яққол намоён бўлмоқда.

БИРИНЧИ — КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР ТАШАББУСИ БОСҚИЧИ

Бу босқичда конституциявий ислохотларнинг бош ғоявий илҳомлантирувчиси Президентимиз Шавкат Мирзиёев, асосий ташаббускори эса мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатлами — ўқитувчилар, ишчилар, фермерлар, тadbirkorлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, десак ҳақ гапни айтган бўламиз. 2021 йил октябрь ойида Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнида барча номзодларнинг электорат вакиллари билан учрашувлари чоғида фуқароларимиз, кенг жамоатчилик ва сиёсий партиялар вакиллари мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг манъатиди давоми бўладиган чинакам ҳаётий тақлифлар билан чиқди. Жумладан, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, ҳусусан мулк муҳофазасини, мамлакатда миллатлар ва эллараро тотувлиқни кучайтириш, маҳалланинг ўрни ва мақоми ошириш, оила институтининг аҳамияти, давлат ёшлар ва гендер сиёсатини, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий соҳага инвестициялар ҳажмини кенгайтириш, шунингдек, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ вазиятда инсоннинг экологик ҳуқуқлари, халқимизнинг ҳозирги ва келажақ авлодларининг қулай ва тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш каби қатор масалаларни Конституцияда акс эттириш долзарблиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституцияга риоя этилишининг кафили сифатида аҳолининг ушбу тақлифларини амалга ошириш учун конституциявий ислохотларни ўтказиш ғоясини илгари сурди. Шу билан бирга, Конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, юртимиз ва жаҳондаги илгор тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилиш зарурилгини таъкидлади.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Конституцияси мустақиллик йилларида эришган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам

ҳуқуқий пойдевори бўлиб келмоқда. Буни ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Конституциямиз хорижий илгор тажриба ҳамда халқаро стандарт ва талаблар ҳар томонлама мос келади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ”, деб эътироф этгани конституциявий ватанпарварликнинг ерқин намунаси.

Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида белгиланган кенг қўламли



вазифалар, инсонпарвар ва халқпарвар давлатни барпо этиш, инсоннинг қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали таъминлаш йўлидаги мақсадлар мамлакатимиздаги туб ислохотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш заруратини юзага келтирди. Шунга асосан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияларининг 2022 йил 17 май кунги қўшма мажлисида мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга ошириш ташаббус илгари сурди. Бунда кенг жамоатчилик фикрини, халқаро конституциявий тажрибани ўрганиш ҳолда, пухта ўйланган тақлифлар тайёрлаш лозимлигини эътиборга олиб, Асосий қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид ташкилий-ҳуқуқий масалаларни кўриб чиқиш бўйича Олий Мажлис палаталари кенгашларига тақлиф киритилди. Мазкур тақлиф Олий Мажлис палаталари кенгашларининг 2022 йил 20 майдаги қўшма йиғилишида қўриб чиқилиб, қўллаб-қувватланди ва “Конституциявий ислохотларни амалга ошириш бўйича қўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қўшма қарор билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Конституциявий комиссия тузилди.

ИККИНЧИ — КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАРНИ ЖАМЛАШ БОСҚИЧИ

Олий Мажлис палаталари кенгашлари томонидан қабул қилинган қўшма қарор яна шуниси билан диққатга сазоворки, унда Ўзбекистон Конституциясини янги тахрирда қабул қилиш ёки янги Конституцияни яратиш эмас, балки унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилди. Бу парламент аъзолари ва сиёсий партия вакилларининг конституциявий ватанпарварлигидан яққол далолатдир.

Едимизда бор, 1992 йил 8 сентябрда амалдаги Конституциямиз лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига тақдим этишга қарор қилингандан сўнг лойиҳани тайёрлаш ишлари 1992 йил 26 сентябрь кунги якунланиб, шу санада матбуотда эълон қилинганди. Бу амалиётдан фарқи равишда жорий йил 20 май кунги тузилган Конституциявий комиссия томонидан амалдаги Асосий қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш босқичидаги конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлашдан олдин, энг аввало, аҳолининг фикри, тақлиф ва ташаббуслари ўрганилди, жамланди. Чунончи, аъённавий алоқа воситаларининг ташқари тақлифларни озаки шаклда тақдим этиш учун барча шароитлар яратилди, шунингдек, тақлифларни электрон тарзда йўллаш учун интернет ва ижтимоий тармоқларда махсус саҳифалар ишга туширилди. Масалан, meningkonstitutsiyam.uz платформаси, 1341 қисқа рақамли call centre, аъённавий почта алоқаси, маҳаллалар, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, “Telegram” мессенжеридиам махсус бот, taklif@meningkonstitutsiyam.uz ёки taklif@2022.uz электрон почталари орқали тақлифларни қабул қилиш тизими йўлга қўйилди.

“ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАЪБИРИ БИЛАН АЙТГАНДА, “КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТНИ ФУҚАРОЛАРИМИЗ ФИКРИ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ АСОСИДА, РЕФЕРЕНДУМ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРСАК, БУ ТОМ МАЪНОДА ХАЛҚИМИЗ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ — ҲАҚИҚИЙ ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ БЎЛАДИ”.

Яна бир эътиборли жиҳати, халқимиз томонидан билдирилган тақлифлар қўлами, мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳам юртдошларимиздаги конституциявий ватанпарварликни намоён қилди, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онг даражаси юқорилигини кўрсатди. Хусусан, конституциявий қонун лойиҳаси тайёрлангунга қадар бўлган бир ойлик даврда Бош қонунимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича 62 минг 336 та тақлиф келиб тушгани, бундан ташқари, уларга 3,8 юздан ортиқ қўшимча ва 15,8 мингдан зиёд изоҳ билдирилгани ҳам фикримизни яққол тасдиқлайди.

Шу тариқа, халқимизнинг фикр ва тақлифлари асосида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

УЧИНЧИ — КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ БОСҚИЧИ

Конституциявий қонун лойиҳаси халқ вакиллари — миллий парламентимиз депутатларининг бир гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатасига киритилди. Шундан кейин дастлабки тарзда қабул қилинган конституциявий қонун лойиҳаси “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталари ва meningkonstitutsiyam.uz платформаси орқали 25 июнда умумхалқ муҳокамасига тақдим этилди ва 5 июлга қадар мuddат белгиланди. Конституциявий қонун лойиҳаси эълон қилингандан кейин фуқароларимизнинг фаоллиги ва тақлифлар қўлами ҳам кескин ошиб кетди. Тақлифларни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва жамлаш жараёни ҳақиқи равишда қўшимча мuddат талаб этгани, ўз навбатида, халқимиздан келаётган тақлифлар кун сайин ортиб бораётгани муносабати билан жорий йил 4 июль кунги Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бу мuddат яна ўн кунга — 15 июлга қадар узайтирилди.

Кези келганда айтиш керакки, 25 июндан 15 июлга қадар бўлган 20 кун даврининг 84 минг 552 та, йўналишлар кесимида кўрадиган бўлсак, Конституциянинг “Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши” бўйича 39 минг 14 та, “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши”га доир 24 минг 427 та, “Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби”га оид 2 минг 767 та, “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” босқичида 2 минг 641 та тақлиф келиб тушди. Қолган тақлифлар “Муқаддима”даги, “Асосий принциплар” ҳамда “Жамият ва шахс” бўлимларидаги нормаларга тегишлидир.

Шу билан бирга, парламент депутатлари ва сенаторлар томонидан ҳудудларга чиқилган ҳолда давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилот-

конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси мuddати 2022 йил 1 августгача узайтирилди.

Умумхалқ муҳокамаси даврида Конституциявий қонун лойиҳасига жами 150 мингдан ортиқ тақлифлар келиб тушганлиги халқимизнинг конституциявий ислохотларга дахлдорлик ҳисси юқори даражага чиққанлигини кўрсатиб турибди.

Мен бу жараёнларни бевосита кузатар эканман, бир нарсага қувондим: бошланаётган янги даврдаги ўзгаришларга ватандошларимиз бефарқ бўлмасдан, ўзлари ташаббускор бўлиб кўплаб тақлифлар бермоқда ва ислохотларни фаол қўллаб-қувватламоқда. Улардан келиб тушган ҳеч бир тақлифни эътиборсиз қолдирмасдан, Асосий қонунимизни тақомиллаштириш жараёнида, албатта, инobatга олишимиз зарур.

ТЎРТИНЧИ — КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРНИ РЕФЕРЕНДУМ ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОСҚИЧИ

Умумхалқ муҳокамаси якунлангандан кейин конституциявий қонун лойиҳаси референдум йўли билан қабул қилинади. Шу ўринда “Парламентда Конституцияга ўзгартиш киритиш воқолати йўқми?” деган савол туғилиши мумкин. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, парламентнинг ўзи ҳам Асосий қонунга ўзгартиш киритиш воқолатига эга. Хорижий тажрибада бундай амалиётни Франция, Россия, Туркия, Жанубий Корея ва Қозғоистон каби қатор давлатларда кузатиш мумкин.

Миллий амалиётда ҳам бундай тажриба мавжуд, яъни Асосий қонунимизга ҳозирга қадар 16 мартаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Шундан битта — 2003 йил 24 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан киритилган ўзгаришлар 2 та масала бўйича — Конституциямизнинг бешинчи бўлими XVIII — XX, XXIII боблари тааллуқли ҳамда келгуси қаҳриқда Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламентини сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий воқолат мuddатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги масалалар юзасидан 2002 йил 27 январь кунги ўтказилган референдум натижалари асосида амалга оширилган. Қолган 15 та ҳолатда парламент томонидан ўз воқолати доирасида Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тегишли қонунлар қабул қилинган.

Энг муҳими, конституциявий қонун лойиҳасининг фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши билан референдум асосида қабул қилиниши — бу халқимиз хоҳиш-иродасининг яна бир амалий ифодаси бўлади.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Конституциявий ислохотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида, референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси — ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади”.

Ишончим комилки, бўлажақ референдумда ҳам юртдошларимиз фаол фуқаролик позициясини намоиш этади. Хулоса қилиб айтганда, айна конституциявий ислохотлар юксалиб бораётган конституциявий ватанпарварликнинг ватандошларимиз руҳиятидаги, бир томондан, юртимиз раънақда бирламчи асос бўлган амалдаги Бош қонунимизга садоқат, ишонч ва ҳурмат туйғуси билан йўрилган ифодаси бўлса, иккинчи томондан, шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги глобаллашув даври тақозоси ўларок, жамиятимиз тарақиёти бардавомлигини келажақда ҳам барқарор таъминлаш йўлидаги дахлдорлик ҳисси жўш уриб турган яна бир ҳаётий намунаси.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Бунёдкорлик манзиллари — замонавий хизмат кафолати



Эркин УММАТОВ, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқарма бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони

йўл учун кетадиган вақт, ёнилғи ва бошқа харажатлар ҳам тежалишига замин яратилади.

Бундан ташқари, "Навоий — Бухоро участкасида" электрлаштирилган иккинчи юқори тезликдаги темир йўл қурилиши лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент—Самарқанд, Тошкент—Қарши ҳамда Тошкент — Бухоро йўналишларида юқори тезликда ҳаракатланадиган "Afrosiyob" поездлари мунтазам қатнови амалга оширилади. Тошкент — Самарқанд — Мароқанд участкаси икки йўналишли пулат изпардан ташкил топган бўлса, Навоий — Бухоро йўналиши бир изли. Шу боис, ушбу йўналишда электрлаштирилган иккинчи юқори тезликдаги темир йўл бунёд этилиб, поездлар қатнови янада қўлай, хавфсиз ҳамда ишончли бўлишига, энг муҳими, қатнов вақтини янада қисқартиришга эришилади. Навоий — Бухоро участкасининг иккинчи йўли узунлиги 92,1 километрдан иборат бўлиб, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари ҳисобига барпо этилмоқда.



Жорий йил 21 июнь кунини Душанбе — Тошкент — Душанбе йўналишидаги халқаро йўловчи поезди 30 йил ичида биринчи бор пойтахтимиздаги "Тошкент-Марказий" темир йўл вокзалига кириб келди. Бу воқеа ўзига хос дўстлик байрамига айланиб кетди. 23 июндан бошлаб эса Россиянинг Самара шаҳрига ҳам йўловчи поезди қатнай бошлади. Тошкент — Самара — Тошкент ҳамда Тошкент — Волгоград — Тошкент йўналишидаги халқаро қатновлар ҳам бошланди.

Бошланиш 1-бетда

Темирйўлчилар жорий йилги касб байрамини ҳам мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги улкан, тарихий аҳамиятга эга, халқимиз фаровонлиги, давлатимиз иқтисодий юксалиши, қолаверса, юртимиз, юртдошларимиз келажагига катта наф келтирадиган янги лойиҳалар билан кутиб олмақда. Хусусан, пойтахтимизда бунёд этилаётган ер усти халқа метро йўналишининг қарийб 12 километрли 2-босқичида қурилиш ишлари давом этапти. 7 та бекатни ўз ичига олган мазкур лойиҳа жорий йил якунига қадар битказилиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2021—2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил март ойда темирйўлчилар томонидан Бухоро — Урганч — Хива йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар қатновини ташкил этиш учун электрлаштириш ишлари бошланган эди. Айни дамда участка йўллари бўйлаб пойдевор ҳамда темир-бетон устунлар ўрнатилмоқда. Замонавий техника воситалари ёрдамида устунларга электр симларини ушлаб турувчи консоллар монтаж қилинмоқда. Электрлаштириш икки йўналишида — Бухоро ҳамда Хоразм вилоятлари ҳудудидан олиб борилляпти.

Умумий узунлиги 465,5 километрли ушбу йўналишдаги ишларнинг тўлиқ тугаланиши билан тармоқ тасарруфидоги пулат изларнинг электрлаштирилган қисми қарийб 50 фоизга етади. Бинобарин, бу Тошкент — Самарқанд — Навоий — Бухоро — Урганч — Хива йўналишида тезорар ҳамда юқори тезликда ҳаракатланувчи экологик хавфсиз электропоездлар қатновини йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Табиийки,

юқларни ташиш масофасини 240 километрга, уларни манзилга етказиш вақтини эса 6 соатга қисқартиради. Бундан ташқари, ушбу кўприк орқали ўтаётган юқларнинг йиллик самараси 150 миллиард сўмга яқин бўлади. Шунингдек, бугунги кунда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги темир йўл орқали ташиллаётган юқларнинг ўртача ҳажми 12 миллион тоннани ташкил этаётган бўлса, янги кўприк ҳамда темир йўл қурилганидан сўнг юқ ҳажми 20—25 миллион тонна атрофида бўлади.

Пойтахтимиздан унча узоқ бўлмаган Чирчиқ шаҳри ҳам йил сайин ривожланиб бормоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари кўпайиб, кўп қаватли аҳоли турар joyлари қурилмоқда. Бу эса ушбу шаҳарда аҳоли ортишига сабаб бўляпти. Қолаверса, Чирчиқ шаҳридан 20—30 километр шимолда бўлган Бўстонлик туманидаги Хўжакент ва тоғли ҳудудлар ёз ҳамда қиш фаслларида нафақат Тошкент аҳолиси, балки юртимизнинг барча ҳудудларидан келадиганлар учун ажойиб дам олиш масканига айланади. Шу боис, пойтахтимиз ҳамда Чирчиқ шаҳри ҳамда Хўжакент дам олиш масканларини боғлайдиган транспорт йўналишларига талаб йил сайин ортиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 18-19 март кунлари Чирчиққа ташириш давомида Тошкент — Чирчиқ орқалигида транспорт тизимини янада ривожлантириш ва аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида темир йўл бўйлаб тезорар электропоездлар қатновини йўлга қўйиш юзасидан кўрсатма берган эди. Шундан сўнг Салар — Чирчиқ — Хўжакент темир йўл участкасини тезорар поездлар мослаштириш учун белгиланган лойиҳа бўйича икки босқичдан иборат таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Ўтган вақт давомида "Тошкент минтақавий темир йўл узели" унитар корхонаси тасарруфидоги корхоналар томонидан Тошкент — Чирчиқ — Хўжакент йўналишида электропоездлар тезлигини янада ошириш учун пулат излар тубдан таъмирланмоқда.

Яна бир лойиҳа — Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Назарбек шаҳарчаси ҳудудидан ўтган темир йўл ва автомобиль йўллари кесилмасида барпо этилаётган янги ва замонавий йўл ўтказгични қуриш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётгани ушбу йўналишдан фойдаланадиган аҳоли учун катта қўлайлик яратади.

Соҳада ислоҳ қилиниши лозим бўлган асосий йўналишлардан бири юк ва йўловчи вагонларини янгиллаш, локомотив паркни тубдан ривожлантириш эди. Қўрилган самарали чоралар туфайли замонавий тепловоз ва электровозлар сотиб олинди. Йўловчиларга янада қўлайлик яратиш мақсадида халқаро талабларга мос янги вокзаллар қурилиб, мавжудлари қайта таъмирланди. Марказий Осиё давлатлари орасида ягона бўлган юқори тезликда ҳаракатланадиган "Afrosiyob" электропоезднинг қатнов ҳаракати кенгайтириб боряпти. Бугунги кунда пойтахтдан тарихий шаҳарларимизга 6 та ана шундай замонавий поезд қатнови йўлга қўйилган бўлиб, маҳаллий ва халқаро йўловчиларга сифатли ва ишончли хизмат кўрсатишмоқда.

Кейинги йилларда юк ва йўловчи вагонларни маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқариш ҳам катта эътибор қаратиляпти. "Тошкент йўловчи вагонлари қуриш ва таъмирлаш заводи" АЖ томонидан йўловчи вагонларини таъмирлаш ва янгилари қуриш йўлга қўйилиши туфайли йилга миллионлаб доллар валюта тежалмоқда.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ тизимида юқори малакали мутахассислар бор, замонавий оғир техника воситалари мавжуд. Утган йиллар давомида оғир сановатда қурилиш ишлари учун зарур қўшимча замонавий техника сотиб олинди. Бу эса уларга нафақат соҳа тарққиети учун, балки бошқа йўналишларда ҳам бунёдкорликларни ишончли

ЯНА БИР ЛОЙИҲА — ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЗАНГИОТА ТУМАНИДАГИ НАЗАРБЕК ШАҲАРЧАСИ ҲУДУДИДАН ЎТГАН ТЕМИР ЙЎЛ ВА АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ КЕСИШМАСИДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН ЯНГИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛ ЎТКАЗГИЧНИ ҚУРИШ ИШЛАРИ ЖАДАЛ СУРЪАТЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАНИ УШБУ ЙЎНАЛИШДАН ФОЙДАЛАНДИГАН АҲОЛИ УЧУН КАТТА ҚЎЛАЙЛИК ЯРАТАДИ.

ва сифатли амалга ошириш имконини беради. Тармоқ тасарруфидоги "Кўприкқурилиш трести" унитар корхонаси мутахассислари томонидан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари халқимиз эътирофига сазовор бўлмоқда. Пойтахт ва ҳудудларда барпо этилаётган замонавий ва маҳобатли кўприklar, йўл ўтказгичлар, Тошкент шаҳрида қурилаётган ер усти халқа метро йўналишлари нафақат аҳолига қўлайлик яратмоқда, балки юртимиз чиройига чирой, кўрkingа кўрк қўшмоқда.

2020 йил март ойидан бошлаб कोरोनाвирус пандемияси сабаб нафақат маҳаллий, балки халқаро йўналишларда ҳам йўловчи поездлар қатнови вақтинча тўхтатилган эди. Орадан икки ярим йил ўтиб, темир йўл орқали халқаро қатновларни босқичма-босқич тиклаш мақсадида қўшни давлатлар билан йўлга қўйилган самарали ҳамкорлик боис, йўловчи поездларнинг халқаро қатнови тикланмоқда. Хусусан, жорий йил 15 майдан "Қазақстан темир жолы" МК АЖ билан келишган ҳолда Нукус — Бейнеу — Нукус йўналишидаги халқаро йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди. Орадан бир кун ўтиб эса Олма-ота-2 — Тошкент — Олма-ота-2 йўналишида "Тулпор-Талго" поезди қатнови қайта тикланди. Тарихий 24 та вагондан иборат мазкур поезд бир томонга ҳаракатланганда 425 йўловчини ўз манзилига етказиб қўяди.

Жорий йил 21 июнь кунини Душанбе — Тошкент — Душанбе йўналишидаги халқаро йўловчи поезди 30 йил ичида биринчи бор пойтахтимиздаги "Тошкент-Марказий" темир йўл вокзалига кириб келди. Бу воқеа ўзига хос дўстлик байрамига айланиб кетди. 23 июндан бошлаб эса Россиянинг Самара шаҳрига ҳам йўловчи поезди қатнай бошлади. Тошкент — Самара — Тошкент ҳамда Тошкент — Волгоград — Тошкент йўналишидаги халқаро қатновлар ҳам бошланди.

Юк ташиш соҳасида мижозлар ва тадбиркорлар учун станцияларда қўлай шароитлар яратилди. Тизим тасарруфидоги манзилларнинг аксарияти янгидан қурилиб, юк ташиш ва мижозларга хизмат кўрсатишда электрон тизимдан фойдаланилмоқда. Бу эса хизмат кўрсатаётган мутахассислар учун ҳам, мижозлар учун ҳам хар томонлама қўлай муҳитни шакллантирди. Логистика йўналиши ҳам кундан-кунга ривожланиб, юқларни контейнерлар орқали ташинишда халқаро мультимодал йўналишлар вужудга келмоқда. Бу эса маҳаллий ва халқаро йўналишлардаги транзит юқлар янада қўлайлишига йўл очмоқда.

Албатта, бугун шундай билан ўзгариб бораётган замонада қўлга киритилган ютуқлар билан кифояланиб қолиш бўлмайди. Янада катта марралар, вазифалар, ийрик ва замонавий лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш давр талаби, тараққийи кафолати, ҳаётимизнинг янада фаровон бўлиши фойдеворидир. Шу боис, давр руҳини ҳис қилган темирйўлчилар ривожланишини янги манзиллар сари дадил одимлар ташламоқда. Ўтаётган хар бир йил тарихий бунёдкорликларга бой бўлмоқда. Замонавий хизмат кўрсатишининг янгидан-янги жиҳатлари фаолиятимизнинг таркибий қисмига айланиб боряпти.

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси матбуот хизмати раҳбари

Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси томонидан "Муносиб меҳнат шароитларини яратиш — иш берувчиларнинг бурчи" мавзусида ташкил этилаётган навбатдаги семинар Тошкент вилоятида бўлиб ўтди. Ўнда уч томонлама ижтимоий шериклар — Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иш берувчилар конфедерацияси мутасаддилари, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари иштирок этди.

Семинарда қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси, соҳа ходимлари учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасида Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар, касаба уюшмаларининг мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида сўз юритилди.

Бугунги кунда беш миллиондан зиёд аъзони ўзида бirlаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясига аъзо Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси 5 592 та ташкилотда меҳнат қилаётган 1 миллион 878 минг 885 нафар аъзога эга. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши 18 та

Қишлоқ хўжалигида муносиб меҳнат шароитини яратиш

вазирлик, идора ва компаниялар билан меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларга оид тармоқ келишувларини имзолаган. Тармоқ тизимидаги барча, яъни 5 592 та корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари тузилишига эришилган.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги соҳаси кўп тармоқли ва салохиятли соҳалардан бири ҳисобланади. Унга пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, йилқичилик, поллизчилик, богдорчилик, узумчилик каби соҳалар кирди.

Шунингдек, агрорасаноат мажмуи тизимида қишлоқ хўжалиги ва сановат корхоналари мавжуд бўлиб, улар қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш жараёнида узвий ҳамкорликда иш олиб боради.

Масалан, терилган пахта қайта ишлаш учун тегишли корхоналарга олиб келинади. Ишланган тала ип-калавани ишлаб чиқариш корхоналарига жўнатилади. Жумладан, чигитдан прессласан ва экстракциялаш усули билан маҳсулот (усумлик ёғи, совун ва бошқа) олиш учун "Ўзпахта ёғ" акциядорлик жамияти корхоналарига шартнома асосида қайта ишлашга юборилади.

— Корхона ва ташкилотларда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадвалиев. — Бундай шароит яратиш бериш иш берувчининг мажбуриятига кириши меҳнатга оид қонун ҳужжатларида кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазасини йўлга қўйиш мақсадида эса йигир-



мага яқин нормативлар қабул қилинган. Хар бир иш берувчи меҳнатни муҳофазаси қилиш учун зарур бўлган маблағларни қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасида ёки бошқа ички норматив ҳужжатларда белгиланган миқдорда ажратиши ҳамда ҳодимлар ана шу мақсадлар учун бирор-бир қичим қилмаслиги зарур. Шундай бўлса-да, айрим боджтег ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар томонидан меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун етарли миқдорда маблағ сарфланмаётган ҳолатлар ҳам учрайд. Шу боис, Агрорасаноат ҳодимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими томонидан бошланғич ташкилотлар меҳнат муҳофазаси хоплатини ўрганиш жараёнида иш берувчиларга Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисидаги қонун

талаблари атрофлича тушунтирилиб, тақдимномалар киритилмоқда. Тахлил натижаларига кўра, тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг жамоа шартномаларида ҳодимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича жорий йилда 172 990 та чора-тадбирлар режалаштирилган. Шу мақсадда 32 миллиард 722 миллион 880 сўм маблағ ажратилган.

Маълумки, иш жойида меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича тегишли йўриқномалар ишлаб чиқилади. Йўриқномалар касб ва иш турларига бўлинади. Масалан, пахта йигим-терими мавсумида фермер хўжалиқлари ҳодимлари хавф-хатарсиз шароитда иш олиб бориши

ҳамда меҳнат муҳофазаси қондаларига риоя қилишлари мақсадида:

— теримчилар, дала шароитларида таом тайёрловчи ошпазлар, гилдиракли трактор ҳайдовчилари, йигим-терим учун масъул отряд бошлиқлари учун меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилган.

Меҳнат муҳофазаси бўйича ишлаб чиқилган йўриқномалар касаба уюшмаси туман кенгашлари билан келишилган ҳолда туман фермерлар кенгаши томонидан тасдиқланади.

Зарур ҳолларда янги касб ёки иш турлари қўшилганда, янги технологиялар, йўриқномаларга ўзгартиришлар киритилганда ҳодимларни йўриқномаларда қўйилган талаблар билан таништириш лозим бўлади.

Шунингдек, ҳодимларнинг шахсий ҳимоя воситаларини олиш, сақлаш, ювиш, тозалаш, таъмирлаш, дезинфекция қилиш ва зарарсизлантириш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши ҳам кўзда тутилган.

Тахлиллар шунинг кўрсатмоқдаки, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида қишлоқ хўжалиги тизимида ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланувчи 315 та корхона ва ташкилотнинг 22 800 нафар ишчи-ҳодими Жамоа шартномаси орқали 5 миллиард 800 миллион 600 минг сўмлик махсус кийим-бош ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан бепоул таъминланган.

Шунингдек, агрорасаноат мажмуи тизимидаги 690 та ташкилотда 5 990 та иш ўрни меҳнат шароитлари бўйича

белгиланган муддатларда аттестациядан ўтказилган. Жумладан, тизимда меҳнат қилаётган ҳодимларнинг 3 909 нафари сут маҳсулотларини бепоул олиш, 133 нафари илтиёзли равишда пенсияга чиқиш ва 6 443 нафари қўшимча меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касб касалликлари профилактикасининг энг самарали йўналишларидан бири ишчи ва ҳодимларни профилактик тиббий кўриқдан ўтказишдир. Тармоқ ташкилотларидаги ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган, пенсия ёшига тулган шахсларни тиббий кўриқдан белгиланган муддатда ўтказиш учун ҳисобот даврида 390 та корхонада меҳнат қилаётган 22 320 нафар ходим тиббий кўриқдан ўтказилди. Тиббий кўриқлар учун 3 млрд. 900 минг сўм маблағ сарфланди.

Яна бир қувонарли натижа шундаки, охириги йилларда захарли кимёвий воситалардан сурункали захарланишининг бирламчи тасдиқланиши сезиларли даражада камайган.

Касаба уюшма фаоллари, меҳнатни муҳофазаси қилиш вакиллари томонидан ҳодимларнинг тиббий кўриқлардан белгиланган муддатларда ўтказилишида иш берувчиларга тегишли талаблар билан мурожаат қилишлари жуда муҳим. Касаба уюшмалари бундай ҳолатлар юзасидан корхоналарнинг юқори ташкилотларида қилиш Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида тегишли тартибда мурожаат қилиш, ижобий натижаларга эришиб келмоқда.

Содир бўлган бахтсиз ҳодисалар тўғрисида хабарнома бериш тизимини кўнатириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Раёсатининг "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ҳақида хабардор этиш ва махсус текшириш комиссияси ишида касаба уюшмалари вакилларини белгилаш тўғрисида"ги қарори ижроси муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, ушбу Раёсат қарори билан тасдиқланган махсус тартиб асосида тизимли ишлар олиб борилмақда.

ТАЪЛИМ

ҒОЛИБЛАР БУЮК БРИТАНИЯГА БОРАДИ

Кунни кеча пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройи яна бир тадбирга мезбонлик қилди. Президент соврини учун "Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" танлови Республика босқичи ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Президентининг Ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов юртимизда таълим соҳасида кечаётган ислохотлар, хорижий тилларни ўргатишга берилётган эътибор хусусида сўз юритиб, танлов ғолибларини самимий қутлади.



ТАНЛОВНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН ЖАМИ 14 ТА МАКТАБДАН 70 НАФАР ЎҚУВЧИ ИШТИРОК ЭТДИ. ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 97-МАКТАБИ ЖАМОАСИ 1-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ. БУХОРО ШАҲРИДАГИ 40-МАКТАБ ЖАМОАСИ ИККИНЧИ ВА ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ 5-МАКТАБ ЖАМОАСИ 3-ЎРИНГА МУНОСИБ ДЕБ ТОПИЛДИ.

Дарҳақиқат, таълим, илм-фан барча даврларда тамаддун чашмаси сифатида эътироф этилган, рағбатлантирилган. Тарих силсиласида ўз исботини топган бу тамойил бугун ҳам дунё мамлакатларининг юксалиши йўли сифатида қўрилмоқда.

Республика таълим тизимида чет тилларни ўрганиши оммалаштириш, бир неча хорижий тилда сўзлаша оладиган кадрлар тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами йилдан-йилга энг чекка ҳудудларни ҳам қамраб олмақда. Мактаблар кесимида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг хорижий тилларни ўрганиш даражасини белгилаш, мактаблар рейтингини ишлаб чиқиш, чет тилларни ўргатиш сифатини чекка ҳудудларда ҳам яхшилаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар самараси ушбу танловда ҳам ўз аксини топди.

САЛОМАТЛИК — ЭЛ БОЙЛИГИ

ТИББИЙ ХИЗМАТ — "БИР ҚАДАМ" ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

Маҳаллада дув-дув гап тарқалди. Яъни қишлоқда янги маҳалла тиббиёт пункти иш бошлармиш. Эндиликда одамлар сарсон бўлиб, етти қақирим наридаги оилавий поликлиникага боришга ҳожат қолмас экан...

яратилганининг ўзи одамга руҳий кўтаринкилик бераркан...

Аввалига бу гапларга унчалик ишонқирамаган бўлса-да, Абдурашид отанинг ҳам қизиқиши орди. Сўнгги йилларда юртимизда рўй бераётган ўзгаришларни кўриб, эшитиб, кўнгли анча ёришган эди. Агар бу гаплар рост бўлса, қишлоқ одамларининг кўп йиллик орзуси амалга ошган бўларди-да...

маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилмоқда. Бу йил Қўқдала тумани "Қанотли" маҳалла фуқаролар йиғини Оққудуқ қишлоғига истиқлол байрами шукҳуи ўз-ғача кириб келмоқда. Тўйга гўё тўёна деганларидек, қишлоқ аҳолиси учун янги маҳалла тиббиёт пункти иш бошлади.

Биласизми, 2022 йил биз учун ўзгаришларга бой бўлмоқда. Катта ўзгаришлардан бири шукҳи, Қўқдала тумани қайта ташкил этилиб, жуда кўп қўлайлиқлар, имкониятлар яратилди. Зарур юмушлар учун туман марказига қатнаш анча яқин бўлди. Эндиликда эса тиббий хизмат кўрсатиш ҳам қишлоғимизга кириб келди. Бундан фақат қувониш, саяёҳаракатларни кўллаб-қувватлаш керак.

Олис қишлоқ орзуси рўёбга чиқди

Президентимизнинг жорий йил 25 апрелдаги "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, шу йилнинг 1 майидан бошлаб бирламчи тиббий-санитария муассасаларидан олис масофада жойлашган ҳудудларда



Тўқсон бешта манзилда янги тиббиёт масканлари

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 июндаги фармойиши ижроси доирасида Тошкент вилоятида жойлашган коронавирус инфекциясини юқтирغانликда гумон қилинган шахсларни вақтинчалик карантинда сақлашга мослаштирилган мажмуа тугатилганиги сабабли маъмурият муассасадан жами 95 та махсус контейнер Қашқадарё вилоятига келтирилди.

Мазкур контейнерлар босқичма-босқич тартибда воҳазимнинг олис ҳудудларига ўрнатилмоқда, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш босқимчаси бош мутахассиси Абдусалом Юсупов. — Жами тўқсон бешта манзилда янги маҳалла тиббиёт пунктлари иш бошлаши мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида аҳоли учун қўшма қўл байрамга айланади. Айниқса, чекка қишлоқларга тиббий хизмат кириб бориши одамларнинг оғирини енгил қилиб, инсон қадрини улуғлаш борасидаги саяёҳаракатларга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бугунги ислохотлар, аввало, инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 январдаги "2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонида ҳам ҳар бир мақсад инсон қадрини юксалтиришга қаратилган. Ушбу стратегиянинг 64-мақсадига ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни "бир қадам" тамойили асосида ташкил этиш белгилаб қўйилган.

Бебаҳо бойлик саналмиш инсон саломатлигини асраб-авайлаш, инсон қадрини улуғлаш шу юртинг равнақи йўлидаги эзгу хизматдир. Бу хизмат қадрланган элнинг келажаги эса ойдин йўлларга туташ бўлиши шубҳасиз.

Ақбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



ТАЖРИБА ВА ТААССУРОТ

ДУНЁНИНГ 17 ДАВЛАТИДАН САРАЛАНГАН ОЛИМЛАР ҚАТОРИДАМАН

Мен илмий ва педагогик фаолиятим давомида дунёнинг турли давлатларида таҳсил олдим, малака оширдим. Бельгия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия давлатларининг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик олиб бордим ва ўша мамлакат талабаларига масофавий таълим бердим.



Мехрингор АХМЕДОВА, Бухоро давлат университети доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (ФНД)

Бир кун келиб Гарвардда ўқийман

Сехрли диёр саналмиш Америкада ўқиш, янашаси менда болалигимдан пайдо бўлган. Ҳар доим опаларимга "Бир кун келиб Гарвардда ўқийман", дер эдим. Тақдир экан, Гарвард олимлари ва талабалари билан учрашиб, фикр алмашиш шарафига муяссар бўлдим.

Барча олимларнинг орзуси бўлган Гарвард университетида ўқиш жуда қийин. Аввало, кириш имтиҳонларидан ўтиш учун танқидий фикрлашдаги креативлик ва муваффақиятга бўлган интилиш бу университет талабаси бўлишигизда ёрдам беради. Кириш имтиҳонларида ёзилган янши (essay)да сиз нимадир янгилик яратилишигиз шарт эмас.

Асосийси, оддий ҳолатдан мураккабликни кўра олиш ва яратувчанлик қўбилантиришни кўрсата олишингиз лозим. Иккинчиси жихатдан кам таъминланган талабарга тўлиқ full scholarship билан таъминланади, шунинг баробарида уларга турли хил стипендиялар тақдим қилинади ва битирувчи талабалар нуфузли компаниялардан иш таклифларини кўлга киритади.

10 миллионга яқин китобга эга кутубхона

Бу ерда ёзи жараёнда асосан таклиф қилинган олимлар ва тадқиқотчилар учун ўқишлар ёзи мактаблар тақдим қилинади, талабалар эса таътил давомида пуллик ўқишларни танлашлари мумкин.

Нью-Йорк университети кутубхонаси 10 миллионга яқин китоб тўпламига эга АҚШдаги энг иirik кутубхоналардан бири бўлиб, Манхеттен, Бруклин, Абу Дабӣ ва Шанхайда жами 24 та бўлинмаси мавжуд. Дунёга машҳур ушбу кутубхона ҳар кун 24 соат талабаларга хизмат кўрсатади ва ҳафтанинг барча кунларида танаффуссиз ишлайди. Мен бу кутубхонада ўзимга керакли бўлган қимматли маълумотларни ва манбаларни топдим. Шунингдек, Вашингтондаги Конгресс кутубхонасида ҳам бўлдим.

Америка дунёда етакчи давлат ҳисобланадими?

Нега Америка дунёда етакчи давлат ҳисобланади? Нью-Йорк университети профессори Philip Hoesay бир суҳбатда Америкагақуйидагича таъриф берди: "Энг юқори кўрсаткичи топ университетлар

жойлашган ҳудуд, иқтисодий жиҳатдан бақувват дунёнинг уч давлатидан бири, ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича жаҳонда етакчи". АҚШнинг ана шу жиҳатлари унинг дунёдаги машҳурлигини сақлаб келади. Демократик жамиятда қонун устувор, инсон қадри энг асосий омил, ҳар бир индивид миллати, дини, ирки, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, ўз ҳолича қабул қилинади. Нью-Йоркликлар билан суҳбатлашганимда бу ерни "стресслар шаҳри" дейишди.

Менда асосий таассурот уйғотган яна бир кичик воқеани сиз азиз газетхонлар билан бўлишмоқчиман. Манхеттен қўчаларида ўтказилган парадда одамлар плакатларга катта ёзувлар билан "To be good American!" (Яхши америкалик бўлинг!) деб ёзганди.

Бу ерлик аҳолининг орзуси яхши инсон бўлиш эмас, балки яхши америкалик бўлиш. Мана бу миллий ўзига хослик, миллатидан фахрланиш демакдир. Америкада диний эркинлик қўллаб-қувватланади ва толерантлик тушунчалари яққол кўзга ташланади. Менинг докторлик диссертациям мавзуси "Инглиз ва ўзбек тилларида "маънавият" мазмуний майдони: таркиби, муносабатлари ва лексикографик аспекти" деб номланади. Асосий мақсадим — Америкада "spirituality" (руҳият, маънавият эквивалентлари мавжуд) тушунчасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва диний жиҳатдан ўрганилишини тадқиқ қилиш ва шу мақсадда Нью-Йорк ва Гарвард университетлари профессорлари билан учрашувлар ўтказиб, баъзи саволларимга жавоб олдим.

Ўзбек маънавиятининг келиб чиқиши, унинг фаросат, маърифат, шахсий такомиллашуви, ахлоқ, диёнат каби категориялари ва жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида университет тақдирлари билан ва профессорлари билан "Uzbek "ma'naviyat" and American "spirituality": social understanding and religious belief" (Ўзбек маънавияти ва Америка руҳияти: ижтимоий англаш ва диний тушунча) мавзусида суҳбат ўтказдик.

Бу америкаликларнинг оз бўлса-да ўзбек маънавияти ҳақида тушунчага эга бўлишларига имконият берди. Мақсадим, ўзбек маънавиятини ҳеч қандай таржималарсиз ва эквивалентларсиз дунёга танитиш ва уларни халқимизнинг узоқ асрлик маънавий бойлигини ва жилосини тушуниб етишларига қўмақлашдан иборат.

Нега айнан инглиз тили?

АҚШ таълим тизимидаги яна бир жиҳат, бу ерда таълим такомиллашган ва мураккаб ҳолда тақдирлаштирилган. Асосий эътибор математика ва аниқ фанлар тизимини ўргатишга қаратилган. АҚШда иммигрантлар сони юқорилиги учун билингнивал ўқувчилар билан алоҳида ишлаш тизими йўлга қўйилган.

Инглиз тили Америкадан ташқарида бизнес ва туризм тили сифатида чегараланган ҳолда ўргатилишига қарамасдан, унга қизиқиш ишонқилик кучли-ки, жуда кўп давлатларда инглиз тилида сўзлаша оладиганлар ҳурмат қилинади ва юқори лавозимларга тайинланади.

Нега айнан инглиз тили? Чунки жуда кўп соҳаларда керакли адабиётлар инглиз тилида яратилган, дунёнинг турли давлатларида саёҳат даврида коммуникация тили сифатида қабул қилинган, техникаларнинг қўлчилик йўриқномалари инглиз тилида ёзилган.

Менинг мақсадим, инглиз тилини Ўзбекистон таълим тизимида тор доирада эмас, балки бизнес тили, туризм тили каби уни келажак авлод учун барча соҳаларда қўллаш оладиган даражада ўргатиш тизимини ишлаб чиқишдир.

Ҳаётда имкониятларни кутиб яшамаслик керак, ҳар бир янги кунимиз янги имкониятлар эшигини очади, ундан тўлиғича фойдаланишимиз зарур. Ҳар бир янги суҳбатдошдан янги бир маданиятни ўрганилик, Янги Ўзбекистоннинг келажини қўришда ўз хиссамизни қўшайлик.

Ўзбек ёшларимизга айтадиган гапим, миллий ғурур туйғусини доимо ҳис қилиб яшанг, қийинчиликлардан қўрқманг, муаммолар яратувчиси эмас, ечимини топа оладиган даражада илмий бўлинг, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ўзгаришлар қила олиш қудратига эришнг!

ҲАЖ — 2022



Фуқароларимизнинг диний эътиқод борасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланиб, мўмин-мусулмонларимиз ибодат амалларини эмин-эркин бажармоқдалар. Бу ҳақда сўз юритганда, икки йиллик коронавирус пандемияси чекловларидан сўнг бу йил 12 минг ватандошимиз муқаддас ҳаж амалларини бажариш имконига эга бўлгани, кейинги 6 ойда 40 мингга яқин юртдошимиз умра зиёратини адо этганини таъкидлаш лозим.

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг
Ўзбекистон халқига Қурбон ҳайити табригидан

ШАҲЗОДА ХОЛИД
АЛ-ФАЙСАЛ, МАККАИ
МУКАРРАМА ҲОКИМИ ВА
МАРКАЗИЙ ҲАЖ ҚЎМИТАСИ
РАИСИ:
— БУ ЙИЛ 1 МИЛЛИОН
ЗИЁРАТЧИ, ЖУМЛАДАН,
МАМЛАКАТНИНГ
150 МИНГ ФУҚАРОСИ,
ЧЕТ ЭЛДАН КЕЛГАН
850 МИНГ МУСУЛМОН ҲАЖ
ИБОДАТИНИ АДО ЭТДИ.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲОЖИЛАРГА ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТГА БУТУН ДУНЁ МУСУЛМОНЛАРИ ҲАВАС ҚИЛДИ

Нуриддин домла ХОЛИҚНАЗАРОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Бошланғич 1-бетда

Ҳазрати Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайҳи васаллам: *“Мабрур ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир”, “Ким Аллоҳ учун ҳаж қилиб, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, худди онасидан янги туғилгандек бўлиб қайтади”,* деб марҳамат қилганлар. Демак, гузал одоб, чиройли хулқ ва чин ихлос ила қилинган ҳажнинг мукофоти жаннатдир. Табиийки, ана шундай буюк ибодатни адо этиш учун юртимиз мўмин-мусулмонларига давлатимиз томонидан ҳаж берилаётган шарт-шароитларни, бу борада амалга оширилаётган улкан ислохотларни эътироф этиш зарур.

Кейинги йилларда Ҳаж ва Умра сафарларини юқори даражада ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада юртимиздан умрага чекланмаган миқдорда зиёратчилар юборилди ва ҳаж қилувчилар сони 2016 йилда 5200 нафар, 2017 йилда 7200 нафарни ташкил этган бўлса, бу йил 12 минг нафардан ошди.

Бутун дунёда кузатишга пандемия туфайли икки йил ҳаж ибодати адо этилмади. Утган давр мобайнида давлатимиз раҳбари илгари сурган *“Инсон қадрини ун”* тамойили асосида зиёратчиларимизга янада мукаммал шароитлар яратиш бўйича пишиқ-пухта ишлар қилинди. Ҳаж зиёратини адо этиш учун йўлга чиққан юртдошларимизни кузатишдан тортиб, то қўли олишгача бўлган жараёнларнинг барчаси юқори даражада ташкил этилди. Бу эса ҳожилар кайфиятига кўтаринчилик, шижоатига жўшқинлик ва рисоладагидек ибодат қилишлари учун куч бағишлади.

Бу йилги ҳаж мавсумида ўзбекистонлик ҳожилар учун яратилган шарт-шароитларга бутун дунё мусулмонларининг ҳаваси келди. Гап шундаки, юртдошларимиз учун барча имкониятлар ишга солинган, ҳаммаси ҳожилар маффаатига хизмат қиладиган, барча шароит яратилган жойларда ибодат қилишди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган инсон қадрини ва маффаатларини ҳар нарсадан устунлиги тамойилининг амалдаги ифодасини фуқароларимиз бу муборак заминда ҳам ҳис этдилар.

Мадина мунаввара зиёратчи

Ҳожиларимиз ибодатларини хотиржам бажаришлари учун Мадина мунавварада барча қулайликларга эга беш йўлдузи *“Zamzam Pullman”* ва *“Crown Plaza”* меҳмонхоналари ўзбекистонликлар хизматига бўлди. Ушбу турар жой мажмуаларининг Масжиду Набавийнинг шундоққина ёнига янада жойлашган юртдошларимизнинг намоз ва зиёратларни кўпроқ адо этишига имкон берди. Ушбу меҳмонхоналарда уч маҳал иссиқ таомдан тортиб, 24 соат узлуксиз тиббий пунктларга барча шароитлар муҳайё қилинди.

Одатга кўра, ҳамюртларимиз зиёратни Мадина шаҳридан бошладилар. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ушбу муборак кент ислом оламнинг маркази, пайгамбарлик



ери, ваҳий манзили сифатида алоҳида қадрланади. Шу боис, дунё мусулмонлари табаррук зиёратгоҳларини ўз бағрига олган, кўлаб оятлар нозил бўлган мақдур шаҳар томон талпиндилар.

Испом манбаларида Арафот дуолар қабул ва ниятлар ижобат бўладиган улуғ макон экани баён этилган. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: *“Дуоларнинг энг яхшиси Арафотда қилинган дуодир”,* деб хушхабар берганлар (Имом Термизий ривояти).

Ҳаж таоло ушбу табаррук жойда илтижо қилаётган бандалари ила фахрланади ва сўраганларини ато этади. Шундоқ мурадбахш кунларда инсонлар ота-онаси, қариндоши, дўсту биродари ва бутун мусулмонлар ҳақида дуо қилишга бор куч-қувватларини сарф этадилар.

Юртдошларимиз бу йил ҳажни акбар бўлишини эшитиб, ибодатда янада собит турдилар. Ҳаж акбар — энг улуғ ҳаж, катта ҳаж маъносини аниқлади. Мўтабар китобларимизда бу ҳажнинг ажри ва фазилати катта экани, хусусан, 70 та ҳажнинг савоби берилиши айтилган.

Ҳожиларимиз Арафот водийсига чиққанларида Аллоҳдан, аввало, ўзларининг гуноҳларини мағфират қилишни, дилларига тугиб қўйган ниятларини, юртимизни самовий, арозий балолардан сақлашни сўраб, чин дилдан дуолар қилишди.

Арафот водийсига Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Қурбон ҳайити байрами муносабати билан йўллаган табригини эшитиб, ҳожиларимизнинг қувончлари чексиз, кайфиятлари ниҳоятда чоғ бўлди. Зеро, табрикни юртда эшитиш бошқа, мусофирчиликда, узоқ жойлардан туриб эшитиш бошқа экан. Табрикни Мухаммад алайҳиссалом туғилиб ўсган, Қуръони карим нозил бўлган улуғ жойларда эшитиш инсонга ўзгача руҳ бахшида этаркан. Ҳожиларимизнинг қайси бири билан гаплашманг, мамнуликларини ифода қилди. Давлатимиз раҳбарининг юртимиз мўмин-мусулмонларига кўрсатётган бундай юксак эътибори ва эҳтиромчи ҳожиларимизни руҳлантириб юборди.

Ҳожиларимиз Арафот водийсига кун ботгунга қадар дуою тазаруларда бўлиб, Музаффар водийси томон йўл олдилар. Улар Қурбон ҳайитининг учинчи кунига қадар муборак жойларда тоат-ибодатда бардавом бўлдилар, ҳажнинг шайтонга тош отиш, тавофи ифоза каби қолган руқнларини ҳам адо этдилар.

улуғ манзиллардан бири. Бу ерда қилинган дуолар шак-шубҳасиз қабул бўлади. Бунга яхши аниқлаш ҳожилар ҳар дамни ганимат билиб, ундан оқилона фойдаланишга интидилар.

Испом манбаларида Арафот дуолар қабул ва ниятлар ижобат бўладиган улуғ макон экани баён этилган. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: *“Дуоларнинг энг яхшиси Арафотда қилинган дуодир”,* деб хушхабар берганлар (Имом Термизий ривояти).

Ҳаж таоло ушбу табаррук жойда илтижо қилаётган бандалари ила фахрланади ва сўраганларини ато этади. Шундоқ мурадбахш кунларда инсонлар ота-онаси, қариндоши, дўсту биродари ва бутун мусулмонлар ҳақида дуо қилишга бор куч-қувватларини сарф этадилар.

Юртдошларимиз бу йил ҳажни акбар бўлишини эшитиб, ибодатда янада собит турдилар. Ҳаж акбар — энг улуғ ҳаж, катта ҳаж маъносини аниқлади. Мўтабар китобларимизда бу ҳажнинг ажри ва фазилати катта экани, хусусан, 70 та ҳажнинг савоби берилиши айтилган.

Ҳожиларимиз Арафот водийсига чиққанларида Аллоҳдан, аввало, ўзларининг гуноҳларини мағфират қилишни, дилларига тугиб қўйган ниятларини, юртимизни самовий, арозий балолардан сақлашни сўраб, чин дилдан дуолар қилишди.

Арафот водийсига Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Қурбон ҳайити байрами муносабати билан йўллаган табригини эшитиб, ҳожиларимизнинг қувончлари чексиз, кайфиятлари ниҳоятда чоғ бўлди. Зеро, табрикни юртда эшитиш бошқа, мусофирчиликда, узоқ жойлардан туриб эшитиш бошқа экан. Табрикни Мухаммад алайҳиссалом туғилиб ўсган, Қуръони карим нозил бўлган улуғ жойларда эшитиш инсонга ўзгача руҳ бахшида этаркан. Ҳожиларимизнинг қайси бири билан гаплашманг, мамнуликларини ифода қилди. Давлатимиз раҳбарининг юртимиз мўмин-мусулмонларига кўрсатётган бундай юксак эътибори ва эҳтиромчи ҳожиларимизни руҳлантириб юборди.

Ҳожиларимиз Арафот водийсига кун ботгунга қадар дуою тазаруларда бўлиб, Музаффар водийси томон йўл олдилар. Улар Қурбон ҳайитининг учинчи кунига қадар муборак жойларда тоат-ибодатда бардавом бўлдилар, ҳажнинг шайтонга тош отиш, тавофи ифоза каби қолган руқнларини ҳам адо этдилар.

Аллоҳнинг меҳмонлигига хизмат қилиш — катта шараф

Ҳаж қилувчи киши Аллоҳ таолонинг меҳмонидир. Ҳаж амалини бажараётган кишига кўмак берган, унинг оғирини енгил қилган инсон улуғ савобларга ноил бўлиши ҳақида кўлаб далиллар бор. Шу маънода, *“Ҳаж — 2022”* ташкилотчилари ва ишчи гуруҳ аъзолари ана шундай улуғ даражаларни мақсад қилиб, Раҳмоннинг меҳмонлигига ўзи рози бўладиган даражада сидқидилдан хизмат этишга ҳаракат қилдилар. Хусусан, *“Ҳаж — 2022”* делегацияси, ишчи гуруҳлар, элликбошилар доимо уларнинг ёнида, шифокорлар соғлиқларидан хабардор бўлиб турди. Ошпазлар эса ибодатда қувват бўладиган тансиқ миллий таомлардан тайёрлаб берди.

Улампаларимиз, аҳли илмларимиз ва элликбошилар зиёратчилар билан доимий суҳбатлар ўтказиб, ибодатларини чиройли адо этишларига яқиндан кўмакчи бўлдилар. Ҳожиларга сифатли транспорт хизматлари кўрсатиш, уларни белгиланган манзилга кечиктирмасдан етказиб қўйиш мақсадида кўлаб автобуслар ҳам жалб этилди. Бизнинг бош мақсадимиз зиёратчиларнинг ҳар бир қадамини оsonлаштириб, кўп вақтини ибодатга сарфлаш эди ва бунга Аллоҳ муваффақ қилди.

Эътироф...

Аллоҳ назари тушган муқаддас манзил — Маккага ҳар йили зиёратчилар оқиб келади. Бир хил либос, бир макомдаги инсонлар муносабат ҳам бир хил. Аммо биз, ўзбекистонликлар нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижликларнинг ҳам ўзгача меҳрини ҳар қадамда туйдиқ. Бинобарин, мусулмон оламида улуғ муҳаддис Имом Бухорий авлодларининг ҳурмати баланд бўлиб, уларга ўзгача ҳавас билан қарашди, алоҳида



иззат-икром кўрсатилади. Ана шундай кезде улуғ муҳаддис ва алломаларга бешиқ бўлган замин фарзанди эканидан фахрланиб кетаркансан.

Ўзбекистонданлигимизни билганлар дарҳол ёнига чорлаб, жой беради. Улуғ алломалар етишиб чиққан юртимизга бориш, Имом Бухорий мангу кўним толган манзилни зиёрат қилиш истагини айтади. Демак, Ўзбекистон яқин келажада мусулмон дунёсининг диққат марказидаги мўтабар манзилга айланishi шубҳасиз.

Юртимиз ҳожилари ислом динининг бешинчи фарзини бажариш чоғида давлатимизнинг кўмагини, беқиёс ғамхўрлигини ҳис қилиб турдилар. Зотан, тараққиётимизнинг янги даврида динимиз арконларини адо этиш учун барча шарт-шароитлар ҳозирланмоқда. Пировардида, ҳожиларимиз тартиб, одоб жиҳатидан, амалларни бажариш бўйича ҳам кўпчиликка ибрат бўлдилар.

Саудия Арабистонининг етакчи ОАВлари — *“Haramain Archives”, “Haramain servant”, “Alriyadh”* ва *“Iqra”* қабилар ўзбекистонлик зиёратчилар ҳақида кўп бор лавҳалар намойиш этди. Уларда ҳожиларнинг ҳусни хулқи, ўзларини тутишларига алоҳида тўхталган экан, улар муносиб иззат-икром қилингани юқори баҳоланди. Бу Ўзбекистондаги ислохотларнинг муносиб эътирофи бўлди, десак айни ҳақиқат.

Буларнинг барчаси одамларни рози қилиш йўлида олиб борилаётган хайрли ишлар мевақиди. Аҳлосини рози юртга Яратган ҳам неъматларини ёғдиради, ин-шааллоҳ.

Ҳожлик — ибрат мактаби

Ҳаж қилган кишининг юзидан нур пайдо бўлади. Ҳажти фарован ва осуда, яхши ишларга рағбати ошади. Шундай қилиб, юртдошларимиз ҳаж ибодатининг барча руқнларини бажариб бўлдилар. Зиёратчилар сафар якунида тавофи видони бажариб, жорий йилнинг 14 июлидан 4 августига қадар навбатма-навбат она Ватанга қайтиб келдилар.

Табаррук жойларда гуноҳдан пок бўлиб, юртимизга соғ-омон қайтган ватандошларимиз ибратли фазилатлари, жамият ҳаётидаги фаол иштироки билан барчага намуна бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарвар, маънавиятли, маърифатли, ота-онасига, юртга хизмат қиладиган содиқ, солиҳ фарзандлар бўлишига ўз хиссаларини қўшадилар. Ерданга муҳтож кишилар, камбағаллар, мискин ва фақирларнинг ҳолидан хабардор бўлишга кўпроқ ҳисса қўшишга ҳаракат қилдилар.

Ҳаж таоло ҳамюртларимиз ҳажларини мабрур, дуоларини мустанжаб айлосин. Юртимизни офат-қулфатлардан ўзи асрасин. Ўзбекистонимизнинг дунё майдонида номи ва ўрни бундан-да сарбаланд бўлсин!

Дил изҳорлари

Музаффар ЭШМУРДОВ,
Навоий вилояти:

— Аллоҳга беҳисоб ҳамду сано-лар бўлсинки, ҳаж акбар бўлишдек улуғ мақом бизга nasib этди. Бу учун, аввало, Яратганга шукроналар айтмамиз ва бу йилги ҳаж мавсумини ташкиллаштирган барча мутасаддиларга миннатдорлик билдирамиз. Чунки сафар чоғида юртдошларимизга хизмат кўрсатиш учун катта тайёралик қўрилгани шундоқ сезилди. Ҳатто бошқа мамлакат фуқаролари бизга ҳавас билан қаради.

Барча қулайликларга эга меҳмонхонада яшаб, масжидда жамоа бўлиб намоз ўқушимиз, Масжидул Ҳарамда ибодат қилмоқчи бўлсак, туну кун автобуслар катнови ташкил этилгани ҳуқуматимиз кўмаги, республика раҳбарияти ғамхўрлиги деб Ҳаж таолога шукроналар айтдик. Албатта, бундай қулайликлар ибодатларни мукаммал адо этишга омил бўлди.

Қайд этиш жоизки, Ҳаж ва Умра амалларини бажаришдан тортиб, муборак жойларда киши ўзини қандай тутишигача бўлган барча амаллар гуруҳ раҳбарлари томонидан доимий тарзда ўргатилади. Тақдим этилган *“Ҳаж — буюк ибодат”* китобда амаллар бажарилиши жараёнида ўқилаётган дуолар, уларнинг талаффузидан тортиб, мазмун-моҳиятигача тушунирилади.

Бундай сидқидилдан қилинган меҳнат зиёратчи, ибодатларни рисоладагидек бажариб хотиржам бўлишга замин ҳосил қилди. Меҳрибон Аллоҳ таоло ибодатларимизни қабул айлаб, ҳожиларимизнинг ҳажини мабрур айлаган бўлсин!

Дилафрўз ЭГАМБЕРДИЕВА,
Наманган вилояти:



— Биз яқин бир ой давомида Саудия Арабистонининг муқаддас икки шаҳри — Мадина ва Маккада бўлиб, исломнинг бешинчи арконини юксак савияда адо этдик. Минг қарра шукр! Табаррук масканлар, улуғ зиёратгоҳларда Ўзбекистонимизга тинчлик ва офият, Президентимиз томонидан олиб борилаётган хайрли ва савобли ишларга юксак марралар, халқимизга эса омонлик тилаб, дуо қилдик.

Албатта, бундай муборак жойларда бўлиш ҳар кимга ҳам nasib эваврамайди. Бунга яхши аниқлаш юртдошларимиз ҳар дамни ганимат билиб, ҳар сониядан унумли фойдаланиш ҳаракатида бўлиб, ҳаж амалларини мукаммал адо этишга интилдилар. Уларнинг ибодатларини Аллоҳ ўз даргоҳида қабул айлаган бўлсин.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибят: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-864.
81651 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусахҳис: Малохат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 22:00 Топширилди — 23:05